



ШАРҚДА ТАРЖИМАШУНОСЛИГИДА ЛУҒАТЧИЛИК АНЪАНАСИ

Тадқиқотчи Заириев Абдулҳамид

abdulhamid56@mail.ru

тел: +998 94 632 69 93

Ўзбекистон, Тошкент

Шарқда таржима аънаси минг йиллар олдин бошланган, дастлабки таржималар асосан диний матнлар ва илмий ишлар учун қилинган. Мисол учун, қадимги Хитойда таржима олимлар ва амалдорлар учун муҳим маҳорат ҳисобланган, чунки бу уларга бошқа маданиятларнинг кенг билимларини олиш ва тушуниш имконини беради.

Ҳиндистонда таржима аънаси қадимги санскрит матнларига бориб тақалади, у ерда олимлар санскрит тилидан матнларни кенгроқ тарқатиш учун минтақавий тилларга таржима қиладилар. Милоддан аввалги 4-асрда Амарасимха томонидан тузилган санскритча тезаурус "Амара Коша" Ҳиндистондаги энг қадимги таржима луғатларидан биридир. У санскрит тилидаги сўзларнинг синонимлари ва таърифларини тақдим этди, бу олимлар учун матнларни тушуниш ва таржима қилишни осонлаштирди.

Ислом оламида юнон, форс ва ҳинд манбаларидан араб тилига билим етказилишида таржима ҳал қилувчи рол ўйнаган. Ал-Киндий, Ал-Форобий каби олимлар фалсафа, математика ва тиббиётга оид асарларни араб тилига таржима қилишда, қадимги дунё билимларини сақлаш ва кенгайтиришда катта хизмат қилдилар.

Турк луғатчилигига Маҳмуд Қошғарий билан асос солинган, кейинчалик аксар турк, араб ва эронлик тилшунослар томонидан давом эттирилган. Туркчанинг сўз бойлигини ўз ичига олган луғатлар ҳар хил соҳаларда тузилган. Қорахоний, қипчоқ, чигатой ва усмоний соҳаларида туркчанинг ўрганилиши ва ўргатилиши мақсадида қаламга олинган луғатларда туркча сўзлар кўпинча арабча ва форсча очиб берилган. Турклар учун аҳамиятли бўлган тилларнинг, хусусан арабча ва форсчанинг ўрганилиши ва ўргатилиши учун ёзилган луғатларда эса, ўрганиладиган тилнинг сўзлари -кўпинча арабча ва форсча- сўзлар асос қилиб олиниб уларнинг туркча маънолари берилган луғатлар тузилган. Туркчадан туркчага луғатларнинг тайёрланиши -турк лаҳжалари орасида ёзилганлар бир четга суриб қўйилса- XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейингина амалга оширилган.

Туркий тилдаги маълум энг биринчи луғат Маҳмуд Қошғарий томонидан 1074-йилда ёзилган Девони луғатит-турк номли туркча-арабча луғатдир. Арабларга туркий тилни ўргатиш учун ёзилган бу асар жуда кўплаб хусусиятлари билан бир қаторда ҳар хил мавзулар ҳақида изоҳли маълумотлар бериши билан энциклопедик луғат, ўша давр туркий тилининг товуш ва сўз тузилиши ҳақида маълумотларни ўз ичига олиши билан бир грамматика китоби сифатида ҳам баҳоланиши мумкин.



Маҳмуд Қошғарий турк элларини бирма-бир кезиб фақатгина ўзи саралаган тилга хос материалларни луғатига киритган; моддаларнинг тартибланишида амал қилинган услуб жиҳатидан ўз давригача араб луғатчилигида таъйин қилиб амал қилинган *қалб қилиш* ёки *ал-Халил йўналиши*, *мавзуларга кўра таснифлаш* ёки *Абу Убайд йўналиши*, *қофия* ёки *ал-Жавҳарий йўналиши* каби асослар ва услублардан фойдаланган. Луғатда модда сўзлар туркийча, изоҳлари арабча келтирилган. Модда сўзлар сўзларнинг тузилишларига кўра тартибланиб *китоб* деб ном берилган саккизта асосий бўлимда жамланган. Ҳар *китоб*даги сўзлар икки, уч, тўрт, беш, олти ва етти ҳарфли бўлишларига кўра *боб*ларга ажратилган ва ҳар боб эса сўзнинг охириги ҳарфи арабча алифбосидаги алфавитик тартиб асос қилиб олинган ҳолда тартибланган, шу тартибга кўра ҳар бир *китоб*да дастлаб отлар, кейин эса иш-ҳаракатлар тартибланган.

Девони луғатит-турк туркий тилнинг ўрганиш ва ўргатиш тушинчаси билан бир қаторда метод, режа ва тур сифатида намоён қилган луғатчилик асослари билан ўзидан кейин қипчоқ, чигатой ва Ўрта Осиёдек ҳудудларда узоқ вақт таъсирга эга бўлган. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар хил тарихий воқеа-ҳодисалар билан туркий тил устида мунтазар таъсир кўрсатган шарқдаги маданий ўзгаришлар давлат тили билан бир қаторда классий луғатчиликни ҳам пайдо қилган. Айниқса чигатойча ва усмонийча давлат ва сиёсат тили бўлишлари даражасида бой луғат-луғатчилик тушинчасини яратганлар¹.

Туркий тилдаги луғатлар орасида иккинчи мақомдаги луғат бу Абул-қосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Замахшарий ал-Хоразмийнинг 1128-1144 (?) йилда ёзган *Муқаддиматул-адаб* номли луғатидир. Ҳар хил қавмларга араб тилини танитиш ва ўргатиш учун тайёрланган, арабча сўзлар ва жумлалар остига бошқа тиллардан уларнинг маъноларини ёзиш тарзида тузилган - бошқача қилиб айтганда сатрлар ораси таржима шаклида луғатдир. Сатрлар орасида хоразм лаҳжаси, чигатой лаҳжаси, усмонийлар лаҳжаси, хоразмча (бир эроний тил), мўғулча ва форсча каби тиллар бор. Асар ҳар бир нусхасида ана шу тиллардан биттаси ёки бир нечасига таржима қилинган. Асарнинг муаллиф қўлёзмаси бўлмагани боис асли қайси тилларда ёзилгани қатъий суратда аниқлаштирила олмаган. Арабча грамматика мавзуларига кўра тасниф қилинган луғат бўлмиш *Муқаддиматул-адаб* 1. *Исмлар*, 2. *Феъллар*, 3. *Ҳарфлар*, 4. *Исм тусланиши*, 5. *Феъл тусланиши* кўринишида бешта қисмга ажратилган. *Муқаддиматул-адаб*нинг жуда кўплаб нусхалари бор, улардан баъзиларида нусха кўчирилиш вақти, нусха кўчирувчиси ва нусха кўчириш ўрни билан боғлиқ маълумотлар жой олмаган.

Абушка луғати, муаллифи ва таълиф вақти маълум эмас (тахминан 16 асрнинг ўрталарида), 2000 та сўзни қамраган. [Нусхалар: Laleli 1911; Sahip Molla 1215; Fatih 5243; Ahmedi Salis 2763; Nuruosmaniye 4847; Ayasofya 4748. Туркий чигатой лаҳжадаги луғатдир. Алишер Навоийнинг вафотидан (Алишер Навоий 1441-1501) кейин ёзилган. Чигатой лаҳжасига тегишли энг қадимий луғат сифатида қабул қилинади. Луғатнинг

¹ Бу мавзуда кенг маълумот учун қаранг: Ahmet CAFEROĞLU - Özen TAN ERİNÇ, "Yeniçağ Türk Dili Lügatleri", İ.Ü. Edebiyat Fakültesi Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi, XIV. cilt, 1 Temmuz 1996:9-11.



Туркиядаги нашрини В. АТАЛАЙ амалга оширган: *Abuşka Lügati veya Çağatay Sözlüğü*, Besim ATALAY, Анқара 1970, 452 бет. Қаранг: А. САФЕРОҒЛУ 1984: 224-225. Бошқа нашрлар учун қаранг: Zuhul KARGI ÖLMEZ, 1998:138-140.]

Lügat-i Çağatay ve Türki-i Osmânî, Шайх Сулаймон Афанди ал-Бухорий, I-II жилд, Mihran матбааси, Истанбул, 1298/1880, 340 бет, Луғат 7000 та сўзни қамраган. [Чиғайтойча-усмонийча луғат бўлиб у İ. KÜNOS томонидан немисчага ўтирилиб нашр қилинган: *Sejîh Süleyman Efendi's Çağatay- Osmanisches Wörterbuch*, İ. KÜNOS, Budapest 1902.]

Türk Lügati, Türk Dillerinin İstikakı ve Edebî Lügatleri (Büyük Türk Lügati), Hüseyin Kâzım Kadri, 4 жилд, I жилд Devlet матбааси, МЕМ, Истанбул 1927- 1928, 99+800+4 бет. (араб ҳарфлари билан); II жилд Devlet матбааси, МЕМ, Истанбул, 1928, 982 бет. (араб ҳарфлари билан); III жилд Maarif матбааси, TDK, Истанбул, 1943, 928 бет. (лотинча ҳарфлар билан); IV жилд Cumhuriyet матбааси, TDK, 1945, 894 бет. (лотинча ҳарфлар билан). [Луғатнинг номи остида "Ўйғур, чиғатой, қозон, озарбайжон ва ғарб туркчалари ҳамда қойбал, якут, чуваш ва қирғиз лаҳжаларининг луғатларини ва ғарб ва аҷам сўзларини шавоҳиди ва амсоли (мисоллари) билан ҳовий (қамраган)дир" деган сўзларидан англашилганидек луғат ана шу лаҳжаларнинг сўз бойлигини ўз ичига олган. Бундан ташқари 99 бетлик Дибож қисмида ҳам турк лаҳжаларининг манба асарлари ва ана шу лаҳжаларнинг тарихий ривожланишлари ҳақида ҳам маълумот берилган.]

Муқаддиматул-адаб, Абулқосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Замахшарий ал-Хоразмий, таълиф вақти: (1128-1144 ?). [Ҳар хил қавмларга арабчани танитиш ва ўргатиш учун тайёрланган, арабча сўзлар ва қисқа жумлаларнинг остига бошқа тиллардан маъноларини ёзиш кўринишида тартибланган - бошқача қилиб айтганда сатр ораси таржима кўринишидаги- асар бир луғат сифатида баҳоланади. Сатрлари орасида хоразм лаҳжаси, чиғатой лаҳжаси, усмоний лаҳжаси, хоразмча (бир эроний тил), мўғулча ва форсча каби тиллар бор. Асар ҳар бир нусхасида бу тиллардан биттаси ёки бир нечасига таржима қилинган. Асар муаллиф ёзув хати эмаслиги боис асли қайси тилларда ёзилгани қатъий аниқлаштирила олмаган. Арабча грамматика мавзуларига кўра тасниф қилинган луғат бўлмиш *Муқаддиматул-адаб* 1. *Исмлар*, 2. *Феъллар*, 3. *Ҳарфлар*, 4. *Исм тусланиши*, 5. *Феъл тусланиши* кўринишида беш қисмга бўлинган. Муқаддиматул-адабнинг жуда кўплаб нусхалари бор, уларнинг баъзилари нусха кўчириш вақти, нусха кўчирувчиси ва нусха кўчириш жойи билан боғлиқ маълумотни қамрамайди. Арабчадан хоразм лаҳжаси ва форсча билан таржима қилинган, маълум бўлган энг қадимги нусхалар, нусха кўчирувчиси, нусха кўчириш вақти ва жойи, сақланаётган кутубхонаси ва рақами тартибига кўра шулардир: 1) Иброҳим ибн Маҳмуд Суфий ал-Муаззин, ҳиж. 655 / мил. 1257, Хоразм, Йўзгат, 396. 2) ҳиж. 681 / мил. 1282, Берлин, 66. 3) Шуштар нусхаси, бош қисмидан қарийб 50-60 варақ нуқсон бўлгани учун асарнинг номи, муаллифи, нусха кўчирувчиси, нусха кўчириш вақти ва ёзилиш жойи билан боғлиқ маълумотга эга бўлиш имконсиз. Эроннинг Шуштар шаҳарчасида шайх Муҳаммад Тақийнинг шахсий кутубхонасида сақланувчи нусханинг Сулаймония кутубхонасида микрофилми бор.



Қамраган туркча тил материали жиҳатидан Шуштар нусхаси улар ичида алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу нусха устида Nuri YÜCE изланиш олиб борган: "*Mukaddimetü'l-Edeb, Havârizm Türkçesi ile Tercümelî Şuŧter Nüshası-Giriş, Dil Özellikleri, Metin, İndeks*, TDK, Ankara 1993" 4) Барчкентлик Масъуд, ҳиж. 715 / мил. 1315, Хоразм, Университет, 114. 5) Кастамону, 2487 рақам билан қайдланган. 6) Тошкент 1,2699 рақам билан қайдланган. 7) Тошкент, 11,3807 рақам билан қайдланган. 8) Париж, 287 рақам билан қайдланган. 9) Сарайлик Маҳмуд ибн Юсуф ал-Котиб, ҳиж. 738 / мил. 1338, Хоразм, Домод Иброҳим, 1149. 10) Сарайлик Ҳибатуллоҳ, ҳиж. 740 / мил. 1340, Сарай, Археология, 1619. 11) Хусомуддин Жандий, ҳиж. 749 / мил. 1348, Хоразм, Миллат, 2009. 12) Тўпкапи, 1,2243 рақам билан қайдланган. 13) Шамс Ҳийвакий, Тўпкапи II, 2740. 14) Тўпкапи II, 2741 рақам билан қайдланган. 15) ҳиж. 760 / мил. 1359, British Museum, Add 7429. 16) Рампур Сарой, 3810 рақам билан қайдланган. 17) Сиваслик Абдулвоҳид ибн Абдулмажид, ҳиж. 769 / мил. 1367, Қоҳира, Хатижа Турхан, 322. 18) Хоразмлик Шамс ал-Ҳийвакий,

Баҳшайиш луғати, таълиф: 308/920, муаллифи номаълум, нусха кўчириш: 14 аср (?). Нусха кўчирувчи: Басойиш ибн Чалича. Арабча ва форсча ном-насабли сўзларни қамраган тематик луғат. Асарда арабча сўзларга форсча маънолар берилган, умумий равишда форсча таржимага асосланган ҳолда берилган туркча маънолар сатр ораларида кўрсатилган. [Асар устида илмий тадқиқот қилинган ва нашр этилган: Fikret TURAN, *Eski Oğuzca Sözlük*, Bilimsel Akademik Yayınlar, Истанбул, 2001, 238 бет.]

Таржумонул-маъориф, Ҳож Ҳасан, таълиф: 1085/1674. Туркча, арабча ва форсча сўзларнинг учта тилдаги маъноларини берган мавзу таснифли луғатдир. [Нусхалар: Эрон/Техрон, Мадрасаи Олийи Сипоҳсолор кутуб., № 34; Қоҳира универ. кутуб., Т. 2679.]

Алсинаи Салъса (Қонунул-адаб таржимаси), Мустақимзода Сулаймон ибн Саъдуддин, таълиф: 1182/1768. Камолуддин Ҳубайш ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Тифлисийнинг *Қонунул-адаб фий забти калимâtил-араб* номли арабча-форсча луғатининг туркчага таржимасидир. Қар. Tarama Sözlüğü I, XLII; Y. Öz (1996), 353-356 бет. [Нусхалар: Истанбул университети марказ кутуб., Т. I; Сулаймония кутуб., Асад афанди 3182, 3253, Рашид афанди 951, 952, 953.]

Лисони салъса луғат, Аҳмад Жовид (ваф. 1218/1803), таълиф: 1215/1800. Луғат ўн учта фасл ва 174 боб шаклида тузилган. [Нусха: Тўпқопи кутуб., H1187.]

Луғати Гулистони Саъдий, муаллифи номаълум, таълиф: 12/18 аср (?). [Нусхалар: AÜDTCSF кутуб., İ. Saib II 1438; Анқара миллий кутуб., A. Ötügen 2616/2.]

Луғату салъс (Се забон, Уч тил), Олим Жон ал-Барудий, таълиф: 1311/1893. [Нашр: Матбаатул-хизона, Қозон 1311/1893, 41+1 бет.]

Туркча (чиғатой лаҳжаси)-форсча манзум

Нисоби туркий ба форисий, Жоний ибн Маликшоҳ ал-Хуросоний, таълиф: 970/1563. [Нусхалар: Китобхонаи мадрасаи олийи сипоҳсолор, Эрон/Техрон 2911/2 (1092/1681).]

Нисоби туркийи турон, муаллифи номаълум, таълиф: 1675-йилдан олдин (?). [Нусха: Германия/Берлин, Königlichen Bibliothek, Seprcnger 1646; Нусха кўчирувчи



Муҳаммад Ризо Баҳши, нусха кўчириш: 1086/1675, Андра Прадеш/Ҳайдаробод, Oriental Manuscripts Library, № 182/6.]

Нисоби туркий ба форсий, Абдуллоҳ ат-Туркистоний, таълиф: 1092/1681 йилдан олдин (?). [Нусха: Эрон/Теҳрон, Китобхонаи мадрасаи олийи сипоҳсолор, № 2911 (варақ: 54-57).]

Нисоби азфарий (Нисоби туркий ?), Мирзо Али-Баҳши Азфарий (Муҳаммад Захируддин Мирзо Али-Баҳш Баҳодур ал-Гургоний), таълиф: 1208/1894). Қар. Ҳ. ӯз (1966:461). [Нусха: Покистон, Китобхонаи анжумани тараққийи урду, 3 KF. 343.]

Туркий афсона (Нисоби туркий) (Ҳикоя, туркча-форсча луғат), Хожа Амир Соҳиб, таълиф вақти номаълум. Бу асарнинг чиғатойча-форсча грамматика ва тематик таснифли луғат бўлган *Таълифул-Амир (Türkçe Lisan Kitabı)* номли китобнинг нусхаси бўлиш эҳтимоли бор. Қар. Е. TÜRKMEN (1985:485); А. F. BİLKAN (1996:1104). [Нусха: Нусха кўчирувчи Gopal Lal, Ҳиндистон, Биҳар/Патна, Khudabahş Library, № 18.]

Лабийбул-луғот, муаллифи номаълум, таълиф вақти номаълум. Феъллар, феъллар тусланишлари ва олмошлар билан боғлиқ грамматик мавзулар билан бир қаторда баъзи китъаларда от, ўсимлик, кийим номлари каби мавзу билан боғлиқ сўзлар ҳам назм қилинган (Қар. Е. TÜRKMEN (1985: 480); А. F. BİLKAN (1996: 1103). [Нусха: Ҳиндистон, Биҳар/Патна, Khudabahş Library, № 6452/10.]

Шарқ таржимаси анъаналари Шарқ маданиятларида матнларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда турли хил амалиёт ва ёндашувларни ўз ичига олади. Бу анъаналар минтақа тарихи ва тил хилма-хиллигида чуқур илдиз отган бўлиб, улар асрлар давомида Шарқ жамиятларининг ўзига хос маданий, диний ва лисоний хусусиятларини акс эттирувчи шаклланган. Шарқий таржима анъаналарининг баъзи асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Диний ва адабий таржималар: Шарқий таржима анъаналари кўпинча Қуръон, буддист битиклари ва ҳинд дostonлари каби диний матнларни, шунингдек, қадимги ва классик тиллардан адабий асарларни таржима қилишни ўз ичига олади. Ушбу таржималар диний ва маданий билимларни турли тил ва маданий чегараларда сақлаш ва тарқатишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Луғатларнинг таъсири: Шарқ таржима анъаналарида луғатлар муҳим ўрин тутиб, таржимонлар учун сўз ва ибораларнинг маъноларини тўғри тушуниш ва етказишда муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Шарқдаги луғат анъанаси таржима амалиётига таъсир кўрсатиб, матнларни таржима қилиш ва талқин қилиш усуллари шакллантирди.

Маданий алмашинув ва мослашув: Шарқий таржима анъаналари нафақат лингвистик таржимани, балки матнларни мақсадли тилнинг маданий ва ижтимоий шароитларига мослаштиришни ҳам ўз ичига олади. Матннинг асл маъносини самарали етказиш учун таржимонлар кўпинча маданий нуанслар, тарихий манбалар ва лингвистик нозикликларни ўрганишлари керак.

Кўп тиллилик ва хилма-хиллик: Шарқий минтақа ўзининг тил хилма-хиллиги билан машҳур, турли мамлакатлар ва минтақаларда сўзлашувчи тилларнинг кенг



доираси. Шарқдаги таржима анъаналари кўпинча кўп тиллиликни ўз ичига олади, таржимонлар турли тил жамоалари ўртасида мулоқот ва тушунишни осонлаштириш учун бир нечта тил ва диалектларни яхши билишади.

Умуман олганда, Шарқ таржима анъаналари ўзининг бой тарихи, маданий аҳамияти ва лисоний мураккаблиги билан ажралиб туради, бу Шарқ жамиятларининг ранг-баранг ва динамик табиатини акс эттиради. Бу анъаналар шарқ маданиятларининг ўзига хос мероси ва ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда, глобаллашган дунёнинг ўзгарувчан эҳтиёжлари ва муаммоларига жавоб бериш учун ривожланишда ва мослашишда давом этмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. "Translation and Lexicography: The Eastern Perspective" by Nada Al-Khalil (2012)
2. "Translation and Lexicography in Eastern Cultures" by Farah Al-Ali (2015)
3. "The Dictionary Tradition in Translation in the East" by Hala Khamis Nassar (2013)
4. "The Role of Dictionaries in Translation in Eastern Languages" by Samia Naqvi (2005)
5. "The Influence of the Dictionary Tradition on Translation Practices in the East" by Rania Al-Jazairi (2011)
6. "The Dictionary as a Tool for Translation in Eastern Languages" by Amirah Al-Sulaiman (2018)
7. "Translation and the East: A Comparative Study" by Ahmed El Shamsy (2016)